

**“МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ САНОАТ ПИЛЛАЛАРИГА ЯНГИ
ПИЛЛА ҚУРИТИШ АГРЕГАТЛАРИДА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ
БЕРИШНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ”**

Жумагулов Қахрамон Алиевич

ТошДАУ Ипакчилик ва тутчилик

кафедраси доценти

Рўзиева Мохинур Иброхимжон қизи

Ипакчилик ИТИ докторанти

mohinurruzieva8@gmail.com

Рўзиев Алишер Холиёрович

alisherroziyev92@gmail.com

ТошДАУ Ёшлар билан ишлаш,

маънавият ва марифат бошқармаси

тарбиячи-педагог

Аннотация

Ушбу мақолада республикамизнинг турли вилоятларида Агро Пилла МЧЖ ларида етиштирилаётган маҳаллий ва хориж дурагайлари пиллаларига бирламчи ишлов бериш услублари келтирилган.

Калит сўзлар: ипакчилик, ташқи муҳит омиллари, дурагай, пилла, пилла қуритиш ускунаси.

Аннотация

В статье представлены методы первичной переработки коконов местных и зарубежных гибридов, выращиваемых в ООО «Агро Пилла» в разных регионах нашей республики.

Ключевые слова: шелководство, факторы внешней среды, гибрид, кокон, оборудование для сушки коконов.



Annotation

This article presents methods of primary processing of cocoons of local and foreign hybrids grown in Agro Pilla MChJ in different regions of our republic.

Key words: sericulture, environmental factors, hybrid, cocoon, cocoon drying equipment.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда пиллани қуритишга мўлжалланган СК-150-К-1, КСК-4,5, Ямато-Санко, буғ морилкаси ва Симплекс каби агрегатлари мавжуд бўлиб, шундан 80%и ишга яроқли ҳолда бўлиб, пиллага дастлабки ишлов беришда қўлланилмоқда¹ Шу билан бир каторда Республикамизда пиллачилик ва ипакчилик тармоғини изчил ва барқарор ривожлантириш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларига янги замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини назорат қилиш, бошқариш ва уларнинг янги асортимент турларини кенгайтириш орқали жаҳон ипакчилик бозорида рақобатбардош, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дунё пиллачилиги саноатида салмоқли ўринга эга бўлган Хитой, Ҳиндистон, Таиланд, Ветнам ва Жанубий Корея каби давлатларда пиллаларга бирламчи ишлов бериш борасида илмий асосланган ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали юксак натижаларга эришиб келмоқда. Бу йўналишда пиллаларга бирламчи ишлов бериш техника ва технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари самарали олиб борилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз пилла қабул қилиш масканларида замонавий пилла қуритиш ускуналарини келтирилиб, пилла ғумбаги жонсизлантирилиб, бирламчи ишлов беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз табиий иқлим шароити ва тут ипак қуртининг

¹ X.Alimova, A.E.Gulamov, K.R.Avazov. /Pilla g'umbagini jonsizlantirish texnologiyasini takomillashtirish. Monografiya. T.2020



мавжуд саноат дурагайларида етиштирилган пилла ҳосилини ушбу замонавий пилла қуритиш ускуналарида бирламчи ишлов беришни таҳлил этиш ва оптимал параметрларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 20-мартдаги “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3616-сон қарорида «...пиллачилик тармоғини инновацион технологиялар асосида жадал ривожлантиришга эътибор қаратиш, кластер усулидаги ташкилий-технологик тизимни яратиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига илғор усулларни жорий этиш орқали тармоқнинг жозибадорлигини янада ошириш, пиллачилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш»² га алоҳида эътибор қаратилилиб бир қатор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, мазкур мавзу доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ушбу вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Келажакда мамлакатимиз табиий иқлим шароити ва тут ипак қуртининг мавжуд саноат дурагайларида етиштирилган пилла ҳосилини ушбу замонавий пилла қуритиш ускуналарида бирламчи ишлов беришни таҳлил этиш ва оптимал параметрларини ишлаб чиқиш мазкур йўналишдаги илмий изланишлар натижаларида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва Ипакчилик илмий тадқиқот институтининг етук олимлари Х.Алимова, А.Мирзаходжаев, А.Э.Гуламов, К.Р.Авазов Б.Мирзаходжаевлар томонидан мазкур мавзу доирасида бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бу борада ишлаб чиқаришда мавжуд пилла қуритиш агрегатларининг қуритиш режимларининг параметрлари ва қуритиш уларни ишлаб чиқилган. Шунингдек сўнги йилларда К.Р.Авазов томонидан пилла қабул қилиш масканларида кенг миқёсида фойдаланилиб

² О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 20-martdagi "Pillachilik tarmog'ini yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi" PQ-3616-son qarori

келинадиган

СК-150-K-1 пилла қуритиш агрегатини такомиллаштириш борасида бир қатор самарали технологиялар жорий қилинган.

Мазкур мавзунинг илмий янгилиги мамлакатимизга сўнги йилларда кириб келган янги замонавий пилла қуритиш агрегатларини тут ипак қуртининг маҳаллий ва хорижий саноат дурагайларига мослигини аниқлаш ва уларни тирик пиллаларга бирламчи ишлов беришдаги технологиясини меъёрий параметрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатимизга сўнги йилларда кириб келган янги замонавий пилла қуритиш агрегатларини тут ипак қуртининг маҳаллий ва хорижий саноат дурагайларига мослигини аниқлаш ва уларни тирик пиллаларга бирламчи ишлов беришдаги технологиясини меъёрий параметрларини ишлаб чиқишиш тадқиқотларимизнинг бош мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари: Ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги тадқиқот вазифалари режалаштирилган:

- ❖ мамлакатимизнинг жанубий ва шарқий минтақаларига келтирилган янги агрегатларнинг турлари аниқланади;
- ❖ янги қуритиш агрегатларининг ишлаш режимларини пилла сифатига таъсири ўрганилади;
- ❖ янги қуритиш агрегатларининг ишлаш режимларини мамлакатимиз табиий иқлим шароитига мослиги ишлаш режимларида таҳлил қилинади;
- ❖ агрегатлари турлари бўйича самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. *Bombyx mori L.* тут ипак қуртининг саноат дурагайлари танлаб олинади.





Тадқиқотнинг предмети. янги замонавий пилла қуритиш агрегатларини тирик пиллаларга бирламчи ишлов беришдаги технологиясини меъёрий параметрларини ишлаб чиқишиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот натижаларида олинган рақамли кўрсаткичларни вариатсион статистик усулда қайта ишлаш услубиятлари қўлланилади.

Тадқиқот натижасида кутилаётган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ❖ илк бор хориждан келтирилган пилла қуритиш ускуналарининг тури ва технологик ҳарактеристикаси ўрганилади;
- ❖ янги қуритиш агрегатларининг мамлакатимиз табиий иқлим шароитига мос равишда қуритиш режими параметрлари ишлаб чиқилади;
- ❖ янги қуритиш агрегатларининг ишлаш режимларини пилла сифатига таъсири тадқиқ этилади;
- ❖ янги қуритиш агрегатларининг ишлаш режимларини пиллаларнинг технологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилади;
- ❖ маҳаллий ва хорижий саноат дурагайларини янги агрегатларнинг ишлаш режимига мослигиги ўрганилади;
- ❖ қуритиш агрегатлари турлари бўйича ўзаро таққосланиб, самарадорлик кўрсаткичлари аниқланади.

Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. илк бор хориждан келтирилган пилла қуритиш ускуналарининг тури ва технологик ҳарактеристикаси ўрганилиб, уларнинг ишлаш режимларини пиллаларнинг сифат ва технологик кўрсаткичларига таъсири илмий жихатдан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мамлакатимиз табиий иқлим шароитига мос равишда янги агрегатларнинг куриштиш режими параметрлари ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20-мартдаги “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3616-сонли қарори.
2. Алимова Х, Гуламов А.Э, Авазов К.Р. Пилла ғумбагини жонсизлантириш технологиясини такомиллаштириш. Монография. Т. 2020
3. Жумағулов Қ.А, Рўзиева М.И. Тут ипак курти уруғини жонлантириш ва парваришlashда ақлли технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги. // INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE “APPLICATION AND DEVELOPMENT OF SMART TECHNOLOGIES IN AGRICULTURE” MAY 30, 2024. 541-544-6. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11482428>
4. Жумағулов Қ.А, Рўзиева М.И, Рўзиева А.Х. Янги пилла куриштиш агрегатларида тирик пиллаларга дастлабки ишлов беришни пиллаларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш. // Ўзбекистон фани аграр хабарномаси. ISSN: 2181-7774. №6 (18) 2024 й.